2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

36 (638)

2008 йил 3 сентябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

Саҳифада

2
▶ Байрам бирдамликда шукуҳли
▶ Ўқиганини уққан ёшларимиз бор

3
▶ Ифтихор туйғуси дилга жо бўлса...
▶ Китобхон оилалар кўп бўлсин

4
▶ Гул байрамида дил яйради...
▶ Ўтган кун сабоғи — шукрона!

Аввал хабар қилинганидек, Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин 1 сентябрь куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан Владимир Путиннинг 2 сентябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хусусан, ёқилғи-энергетика мажмуи соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди

Ўзбекистон-Россия:
ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖИ

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим ҳамкорларидан эканини алоҳида қайд этиб, мамлакатимиз билан икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар деярли барча йўналишларда, жумладан, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва электротехника каби соҳаларда изчил ривожланмоқда. Мунтазам равишда бизнес-форумлар, кўргазмалар, ҳукуматлараро комиссия мажлислари ташкил этилмоқда.

2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 48 фоиз ўсиб, 4,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Россияга хомашё ва ярим хомашё маҳсулотлар қаторида асбоб-ускуна, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, пахта толаси, қора ва рангли металлар, пластмасса буюмлар ва бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади. Россиядан Ўзбекистонга транспорт воситалари, металлни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотлари импорт қилинади.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган беш юздан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Улар орасида "Ўзэлектроаппарат-Электрошчит" (электротехника маҳсулотлари), "Андижон кабель", "Hi-Tech Kabel" (кабеллар), "Вим-Билль-Дан-Тошкент" (сут маҳсулотлари), "Балтимор-Челак" (консерва), "Элимпекс" (тўқимачилик), "Электроизолит" (қурилиш материаллари), "Петромарузгаз" (кимёвий маҳсулотлар) каби корхоналар бор. Юртимизда Россиянинг 145 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

— Ўзбекистон Россиянинг энг муҳим ҳамкорларидан, — деди Владимир Путин. — Россия Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Стратегик ҳамкорлик тамойилларига асосланган иттифоқчилик муносабатларимизни изчил ривожлантириш тарафдоримиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратаётган эътиборини юксак қадрлаймиз. Ўзаро алоқаларимиз юксак самаралар бераётгани бизни ғоят қувонтиради. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг муттасил ўсаётгани савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётгани диққатга сазовор. Иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари, айниқса, ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳамкорликни, узоқ муддатли шериклик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Россия ўртасида 2008-2012 йилларда иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро дастурнинг тадбирлар режаси ҳамда Ерни ва фазони тинч мақсадларда тадқиқ қилиш ҳукуматлараро космик дастури имзоланди.

(ЎзА)

ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 сентябрь куни Дўрмон қароргоҳида Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путинни қабул қилди.

— Ўзбекистон-Россия муносабатлари иттифоқчилик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда, — деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. — Биз кенг кўламли ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Ушбу учрашув ўзаро алоқаларга доир масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия билан муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакатларимиз ўртасида 2004 йили Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йилда ҳамкорликни олий босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланган.

Мунтазам равишда олий даражадаги мулоқотлар ўтказилмоқда. Икки мамлакат раҳбарлари халқаро ташкилотлар саммитлари доирасида ҳам доимо учрашадилар. Хусусан, яқинда ШҲТнинг Душанбе саммити доирасида Президентлар Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг музокараси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига, хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Россия сиёсий соҳада кўп жиҳатдан ҳамфикр эканини таъкидлаш жоиз. Бу ҳамфикрлик мамлакатларимизнинг наркотрафик, терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашдаги ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатларимизнинг ҳарбий ва ҳарбий-техника соҳасидаги алоқалари ҳарбий маҳсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, кадрлар тайёрлаш, биргаликда машқлар ўтказиш, коинотни тадқиқ этиш бўйича давлатлараро дастурлар тузиш ва амалга ошириш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Россия Ўзбекистоннинг етакчи иқтисодий шерикларидандир. Ислом Каримовнинг жорий йил февраль ойидаги Москвага ташрифи асносида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳамда Авиасозлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий ҳамкорлиги кўплаб соҳаларни қамраб олган. Мамлакатимиз ташқи савдосининг 30 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади. 2005 йилдан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилига 1 миллиард АҚШ долларига кўпаймоқда. 2007 йилда бу борадаги кўрсаткич 4,2 миллиард долларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг январь-май ойларида 1 миллиард 610 миллион долларга етди.

Диққатга сазовор томони шундаки, илгари Ўзбекистон экспортида хомашё ёки ярим хомашё салмоқли ўрин тутган бўлса, эндиликда саноат маҳсулотларининг улуши ортмоқда – айни пайтда экспортнинг қарийб ярмини саноат маҳсулотлари ташкил этади. Хусусан, енгил автомобиллар, полиэтилен, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, трансформатор ва трансформатор подстанциялари, паст вольтли қурилмалар каби маҳсулотлар экспорти, шунингдек, қувурлар, ҳаво транспорти, сайёҳлик бўйича ва бошқа турдаги хизматлар ҳажми мунтазам ошмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Россияга машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кимё саноати маҳсулотлари ва пластмасса, рангли ва қора металлар (рух, мис, вольфрам, молибден) ҳамда улардан ясалган буюмлар (кабеллар ва бошқа ўтказгичлар), ишлаб чиқаришда ишлатиладиган кўплаб турдаги техника воситаларини ҳам экспорт қилади. Ўзаро экспорт-импорт қайдномаларида акс этадиган товарлар ва хизматлар сони жуда кўп.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш учун мунтазам равишда бизнес-форумлар, кўргазмалар, ҳукуматлараро комиссия мажлислари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон вилоятлари билан Россиянинг федерал субъектлари, икки мамлакатнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги бевосита алоқалар ривожланиб бормоқда.

Сармоявий ҳамкорликка алоҳида тўхталиш жоиз. «Газпром», «Лукойл», «Союзнефтегаз», «Стройтрансгаз», «Волгабурмаш» каби компаниялар билан ҳамкорликда ёқилғи-энергетика мажмуи инфратузилмасини ривожлантириш, конларни аниқлаш ва ўзлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2007 йилнинг ноябрида «Лукойл» компанияси билан биргаликда Бухоро вилояти ҳудудидаги «Хаузак» газ кони ишга туширилганини бу йўналишдаги ҳамкорликнинг яна бир муваффақияти сифатида қайд этиш мумкин.

Қўшма корхоналар сонининг ортиши ҳам сармоявий ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида тузилган беш юздан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Россиянинг 145 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч юзга яқин қўшма корхона бор.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг («Росзарубежцентр») ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Илм-фан ва маданият намояндалари ҳамда жамоат арбобларининг ташаббуси билан 2004 йили Москвада ўзбек халқининг бой тарихий-маданий меросини тарғиб қилишни ўзига мақсад қилган "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур жамғарма ташаббуси билан турли кўргазмалар, фестиваллар, маданият кечалари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, «Иттифоқчилик муносабатлари шароитида Ўзбекистон ва Россиянинг гуманитар ҳамкорлиги» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Албатта, бугун мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар қанча кенг қамровли ва серқирра бўлмасин, икки томонлама ҳамкорлик ресурсларининг барчаси ишга солинган, дейиш қийин. Ўзбекистоннинг ҳам, Россиянинг ҳам имконият ва салоҳияти юқори даражада. Масалан, машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик, ахборот технологиялари, коинот тадқиқотлари, агросаноат каби соҳаларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш икки томон учун ҳам ғоят фойдалидир.

Владимир Путин Россия Ўзбекистонни ўзининг Марказий Осиёдаги энг муҳим стратегик шериги деб билишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, сармоявий ҳамкорликни, гуманитар соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш, сиёсий муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини чин юракдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Яқинда мамлакатларимиз ўртасида инвестиция битими имзоланди, шу туфайли, умид қиламанки, иқтисодий муносабатларимиз истиқболда ҳам жадал ривожланаверади. Мен яна таъкидлашдан ғоят мамнунманки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар турли соҳаларда чуқурлашиб бораверади. Сиз, Жаноби Олийларининг қўллаб-қувватлашингизда мамлакатларимиз ўртасида қарор топган ажойиб дўстона муносабатлар янада ривожланишини истаб қоламан.

Сиз, Жаноби Олийларига чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ ва Ўзбекистоннинг Сиз, Жаноби Олийлари раҳбарлигида янада равнақ топишини тилашга ижозат бергайсиз.

Самимий эҳтиром ила,

Ясуо ФУКУДА,
Япония Бош вазири

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик байрами муносабати билан Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга қизғин ва ғоят самимий қутловларимизни йўллайман.

Ишончим комилки, Индонезия ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги мавжуд дўстлик ришталари истиқболда ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни ва мустаҳкам соғлиқ ҳамда бахт-саодат, Ўзбекистон халқига равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Доктор Х.Сусило Бамбанг ЮДХОЁНО,
Индонезия Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан Украина халқи ва шахсан ўз номимдан ғоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Украина ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона анъанавий алоқалар бизнинг саъй-ҳаракатларимиз туфайли мамлакатларимиз халқлари манфаатлари йўлида янада ривожланиб ҳамда мустаҳкамланиб бораверишига умид билдираман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон Республикаси халқига тинчлик ҳамда фаровонлик тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

Виктор ЮШЧЕНКО,
Украина Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Миллий байрам – Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва Ўзбекистон Республикаси халқини Беларус халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутлайман.

Ишончим комилки, Беларусь ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик, ҳурмат ҳамда қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам жадал ривожланиб бораверади.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин юракдан мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли давлат фаолиятингизда бундан буён ҳам муваффқиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Миллий байрам – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан ғоят қизғин ва самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Арманистон билан Ўзбекистон ўртасида қарор топган дўстлик ва ўзаро ишонч муносабатлари бундан буён ҳам давлатларимиз ҳамда халқларимиз манфаатлари йўлида янада ривожланиб ва чуқурлашиб бораверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга ва бутун дўст Ўзбекистон халқига бахт-саодат, фаровонлик ҳамда равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

Серж САРКИСЯН,
Арманистон Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Мексика халқи ва ҳукумати номидан Сизга ўзимнинг ғоят самимий қутловларимни йўллашдан бахтиёрман.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилган мулоқот ва ҳамкорлик халқларимиз дўстлиги, фаровонлиги ва тараққиёти манфаатлари йўлида янада ривожланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат ва эҳтиромларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Фелипе Кальдерон ИНОХОСА,
Мексика Қўшма Штатлари Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Болгария халқи ва шахсан ўз номимдан энг эзгу қутловлар ҳамда мамлакатингизга тинчлик-фаровонлик тилаб билдирган самимий истакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш имкониятлари ва истиқболига ишонч билдиришга, шунингдек, Болгария Республикасининг дўст Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлида ишлаш истаги билан ўртоқлашишга ижозат бергайсиз.

Имкониятдан фойдаланиб чуқур ишонч билдираманки, бизнинг бўлажак учрашувимиз рўй-рост ва кенг фикрлашиб олиш, икки тарафлама муносабатларни ва ўзаро қизиқишга молик соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш учун яхши имконият яратади.

Жаноб Президент, Сизга сиҳат-саломатлик ҳамда ғоят масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман ва Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул қилишингизни сўраб қоламан.

Георги ПАРВАНОВ,
Болгария Республикаси Президенти

Давоми 2-саҳифада

Истиқлол йиллари — истиқбол йўллари

Ўғил-қизларимиз учун "МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ"

Ёзги таътилдан сўнг мактаб қучоғини соғинган, ўқув қуроллари ва кийимларни тахт қилиб, синфдошлари билан учрашув дақиқаларини интиқиб кутган ўғил-қизлар, болажонлар яна ўқув даргоҳлари остонасини ҳатладилар. Куни кеча мамлакатимизнинг таълим муассасаларида ўқув жараёни бошланди. Таътилни мароқли ўтказган болажонлар жонажон мактабларига қайтиб, билим олишга киришдилар.

Мамлакатимиз таълим тизимини модернизациялаш, соҳа ходимлари учун замонавий шарт-шароитлар яратиш, таълим-тарбия мазмуни ва сифатини оширишда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 243-мактабда «Таълим самарадорлиги — келажак пойдевори» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида сўз олган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ғ.Шоумаров юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, жумладан, ушбу дастурнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди. Мазкур дастурга асосан 2004-2009 йиллар давомида республика бўйича жами 2,9 млн. ўқувчи ўрнига мўлжалланган 8476 та мактабнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилиш кўзда тутилган эди. Шундан келиб чиқиб, 2004-2008 йиллар давомида республикамиз бўйича 6544 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, 275 та янги мактаб биноси барпо этилди. Эътиборга молик томони шундаки, фойдаланишга топширилган таълим муассасаларининг 80,7 фоизи қишлоқ жойларда, 3,1 фоизи эса бориш қийин бўлган ҳудудларда бунёд этилди. Бу ўз навбатида юртимизнинг чекка ҳудудларида, олис қишлоқ ва овулларида истиқомат қилувчи ёшларнинг шаҳардаги тенгдошлари сингари барча шарт-шароитлар яратилган ўқув биноларида замонавий билим олишлари учун замин ҳозирлади.

Давоми 2-саҳифада



Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Истиқлол – эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

ЯГОНА ВА АҲИЛ ОИЛАДА

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити давлат сиёсатининг узвий бир қисмига айланганини алоҳида таъкидлади.

Шу кунларда кўпмиллатли халқимиз мустақил Ватанимизнинг қутлуғ тўйини баланд руҳда ва катта хурсандчилик билан нишонламоқда. Республика Байналмилал маданият маркази пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Мустақиллик – бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» мавзуида тадбир ўтказди.



Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган ислоҳотлар жараёнида миллатлар ва диний конфессияларо тотувлик, ўзаро ҳурмат, бағрикенгликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшамоқда. Уларнинг эмин-эркин ҳаёт кечириши, меҳнат қилиши, миллий урф-одатлари ва анъаналарининг ривожланиши, таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиб, аҳоли турмуш даражасининг ортиб боришида барча миллат ва элат вакилларининг муносиб ҳиссаси бор.

Тадбирда миллий маданият марказларининг бадиий жамоалари томонидан халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрамига бағишлаб тайёрланган катта концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Швейцария Федерал Кенгаши ва шахсан ўз номимдан самимий қутловлар ҳамда шахсан Сизга тинчлик, хотиржамлик, мамлакатингизга равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларни йўллаш менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасида қарор топган ишончли ва дўстона муносабатлар келгуси йилларда ҳам чуқурлашиб бораверади.

Паскаль КУШПЭН,
Швейцария Конфедерацияси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан шахсан Сизга ва бутун ўзбек халқига қизғин ва самимий қутловларимни улкан мамнуният ила йўллайман.

Сиёсий мулоқотимизни давом эттиришдан, шунингдек, иқтисодий, савдо ҳамда маданий алоқаларимизни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ривожлантиришдан ғоят манфаатдор эканимиз Сизга маълум. Биз Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги амалий мулоқотни кучайтириш борасидаги ишларни биргаликда давом эттиришни ҳам истаймиз.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

Николя САРКОЗИ,
Франция Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни изҳор этиш ва эзгу тилакларимни йўллашдан ғоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, дўст ўзбек халқига доимий равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Халифа бин Зоид Ол НАҲЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Греция халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ғоят қизғин қутловларимни ҳамда Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ, шахсан Сизга бахт-саодат тилаб билдирган самимий истакларимни изҳор этаман.

Каролос ПАПУЛИАС,
Греция Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Исроил халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутловларим ҳамда Сизга омонлик, мамлакатингиз ва халқингизга бардавом тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган истакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Шимон ПЕРЕС,
Исроил Давлати Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига Жаноби Олийлари,

Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан самимий қутловларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Бизнинг икки томонлама дўстона муносабатларимиз ва ҳамкорлигимиз ўзаро қизиқишга молик барча соҳаларда мамлакатларимиз халқларининг манфаатлари йўлида чуқурлашиб бораверишига ишончим комил.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Вацлав КЛАУС,
Чехия Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Латвия халқи номидан ғоят самимий қутловлар йўллаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур имкониятдан фойдаланиб, шу йил октябрь ойида бўладиган ташрифим давомида Сиз билан ўтказиладиган учрашувларни сабрсизлик билан кутаётганимни таъкидламоқчиман. Умид қиламанки, бизда келгуси ҳамкорлигимизга оид масалаларни муҳокама қилиш имконияти бўлади. Дўстона муносабатларни янада ривожлантириш ва жадаллаштириш, шунингдек, ўзаро ҳамжиҳатлик мамлакатларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келишига ишончим комил.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромларимни ҳамда Ўзбекистон Республикасига фаровонлик ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Валдис ЗАТЛЕРС,
Латвия Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига Президент Жаноблари,

Ўзбекистоннинг Миллий байрами муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон фуқароларига муваффақиятлар ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Польша ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг фаоллашиши муносабати билан мамнуният изҳор этаман. Умид қиламанки, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик давлатларимиз ва фуқароларимиз манфаатлари йўлида ўзаро ҳурмат ва мулоқот руҳида бундан буён ҳам ривожланиб бораверади.

Юксак ҳурмат-эҳтиромларимни қабул қилгайсиз,

Лех КАЧИНЬСКИ,
Польша Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан самимий табрикларимни ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорлик алоқалари халқларимиз манфаатлари йўлида барча соҳалар ва йўналишларда янада ривожланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва узоқ умр, дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Иажуддин АҲМАД,
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига Президент Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Жазоир халқи, ҳукумати ва ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни ҳамда дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик каби эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш йўлида Сиз, Жаноби Олийлари билан ҳамкорликда барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тайёр эканлигимни таъкидламоқчиман.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА,
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига Жаноби Олийлари,

Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси халқи ва ҳукумати, шунингдек, шахсан ўз номимдан Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин қутловлар ва самимий тилаклар изҳор этиш шарафига муяссарман.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар истиқболда ҳам халқларимиз манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб ҳамда кенгайиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Махинда РАЖАПАКСА,
Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти

Истиқлол йиллари — истиқбол йўллари

Ўғил-қизларимиз учун "МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ"

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Жорий йилнинг ўзида 70 та янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилгани, 583 та мактабнинг капитал реконструкция қилингани қанчадан қанча ёшнинг билим олиши учун қулай шарт-шароит яратилди, дегани эмасми?! Бунга қўшимча равишда яна юзлаб таълим даргоҳлари капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди.

Умумтаълим мактабларининг замонавий мебель ва ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, спорт анжомлари билан таъминланиши таълим жараёни сифатининг ошишига, ўқувчиларнинг фанларни тўлақонли ўзлаштиришига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Айниқса, кимё, биология ва физика фанларининг ўзлаштириш самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқув-лаборатория хоналари ва уларнинг талаб даражасида жиҳозланганига боғлиқ. Компьютер билан ишлаш кўникмасига эга бўлиш эса бугунги кунда замон талаби даражасига кўтарилди. Ҳозирги пайтда аксарият мактаблар энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан таъминланган.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув кўлланмалари ва дарсликлар билан қай даражада таъминланлигани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Соҳада олиб борилган ислоҳотлар натижасида бугунги кунга келиб умумтаълим мактабларида дарслик муаммоси узил-кесил ҳал этилди. Жорий ўқув йилида мактаб ўқувчилари 243 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўқитувчилар эса 56 номдаги методик қўлланмалар билан таъминланди. Юртимизда бир неча йилдан буён 1-синф ўқувчиларига «Президент совғаси» тарқатиш эзгу анъанага айланди. Бу йил мактаб остонасига илк бор қадам қўйган 491 минг нафардан зиёд болажон 12 турдаги ўқув қуроллари билан бепул таъминланди.

Албатта, ўқувчи-ёшларимиз томонидан эришилаётган муваффақиятлар юртимизда таълим тизимига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик бесамар кетмаётганини кўрсатади. Хусусан, 2004-2007 йиллар мобайнида ўзбекистонлик ўқувчилар халқаро фан олимпиадаларида 27 та медални қўлга киритишди. Жорий йилнинг 28 апрель-4 май кунлари пойтахтимизда кимё фани бўйича ўтказилган Менделеев номидаги халқаро олимпиадада 13 нафар ўзбекистонлик ўқувчи ғолиблар қаторидан жой эгаллади. Бундан ташқари, шу йилнинг 14-20 июль кунлари Испаниянинг Мадрид шаҳрида математика фани бўйича ўтказилган 49-халқаро олимпиадада мамлакатимиз вакилларининг 4 нафари бронза медалига сазовор бўлишди.

Таълим мазмунининг тез суръатларда янгиланиб бораётганлиги муносабати билан ўқитувчи-педагогларнинг малака ошириш даврийлиги 5 йилдан 3 йилга қисқартирилди. Жорий ўқув йилида мактабларнинг педагог ходимлар билан таъминланиши 99 фоизни ташкил этмоқда. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳамда Президентимизнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ҳаётга кенг тадбиқ этилиши мактаб ўқитувчиларини касб маҳоратини ошириш учун кўпроқ ишлашга ҳамда фаолиятларига янада масъулият билан ёндашишга ундамоқда.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
"Mahalla" мухбири.

МАКТАБЛАРНИНГ КЎРКАМ ҚИЁФАСИ

Фарғона вилояти

Айни кунларда Фарғона вилоятида «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури» ижросини таъминлаш мақсадида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Бу борада Фарғона туманида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ.

Дастурга мувофиқ тумандаги умутаълим мактабларининг барчасида капитал реконструкция, капитал таъмирлаш ишлари бажарилаётир. Фарғона тумани марказидан олисда жойлашган Кўрғонтепа қишлоғида 58-умумтаълим мактаби бутунлай қайтадан таъмирдан чиқарилиб, ўқувчиларни ўз бағрига олди. Шунингдек, Тожихон Шодиева маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 24-умумтаълим мактаби ҳам капитал реконструкция қилиниб, замонавий қиёфага эга бўлди. Бу ерда қўшимча янги 80 ўринли ўқув биноси ва спорт зали қад ростлади.



СУРАТДА: *Кўрғонтепа қишлоғидаги 58-умумтаълим мактаби кўриниши.*

Муқимжон ҚОДИРОВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган кўпгина юртдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига кўра мамлакатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Улар орасида фуқаролар йиғинлари фаолияти истиқболига ўз самарали меҳнати билан салмоқли улуш қўшаётган қуйидаги фаол юртдошларимиз ҳам бор.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Жумаев Бевит — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими раиси

Кубаев Сунат — Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Муратов Мустафа — Учқудуқ туманидаги «Мингбулоқ» овул фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Алламуродов Мирза Ишматович — Зарбдор туманидаги «Андижон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

Салимова Диларам Умирзаковна — Қибрай туманидаги «Байтқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Абдуллаев Нигматилла — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Абраров Зиявиддин Сражиддинович — Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Шамсиев Талъатбек — Миробод туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Жалилова Дилором — Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Матёкубова Зевар Матёкубовна — Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Гулобод қишлоғидаги "Сабурзон" маҳалла фуқаролар йиғининнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

"Дўстлик" ордени билан

Азимжонова Назирахон Каримовна — Андижон вилояти, Балиқчи тумани Балиқчи қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғининнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Шоюсупова Марҳабо Умурзоқовна — Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани "Найман" маҳалла фуқаролар йиғининнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Ахмедова Улғузи Хайдаровна — Қизириқ туманидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

Абдурахманова Махмуда Ахмеджановна — Юнусобод туманидаги «Астробод» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

Бабажанов Рўзмет Юлдашович — Хива туманидаги «Арвик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

Баҳодирова Ҳайтгул — Музработ туманидаги «Музработ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

Юлдашева Тожибар Ўктамовна — Хўжаобод туманидаги «Кўтарма» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

"Шуҳрат" медали билан

Джалолов Халилдин Насирдинович — Фарғона туманидаги Ў.Шаҳобов номли маҳалла фуқаролар йиғини посбони

Жўраева Бахмал Искановна — Бахмал туманидаги «Сарой» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

Закиров Алимжон — Жалолқудуқ туманидаги «Қўртқи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Кенжаев Нумонжон Комилович — Ўзбекистон туманидаги «Қизил қақир» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

Кучкаров Шоди — Пайариқ туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Махмудов Журахон — Чуст туманидаги «Шоён» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Нурматов Ҳикматулла Худайбердиевич — Қўшработ туманидаги «Жўш» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Султонов Абдуллажон Мухаммаджонович — Тошкент туманидаги «Ифтихор» маҳалла фуқаролар йиғининнинг посбонлар сардори, Тошкент вилояти

Урунова Дилбар Бозоровна — Қарши туманидаги «Лағмон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

Худайназарова Норжан Низамовна — Янгиобод туманидаги «Баландчақир» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

Хидирова Меҳринисо Бойназаровна — Каттақўрғон туманидаги «Саройкўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини котибаси, Самарқанд вилояти

Жумаев Расул Норменглиевич — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Отчопар" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси отряди раҳбари

Маматкулов Махкамжан Абдулазизович — Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Охунбобоев номли қишлоқ фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси отряди раҳбари

Мирзахмедов Жахонгир Ганиджанович — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "Жанггоҳ" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси отряди раҳбари

Намазов Гулом Темирович — Навоий шаҳридаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси отряди раҳбари

Хамидов Садиридин Ульмасович — Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги А.Яссавий номли маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси отряди раҳбари

Шунингдек, кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган, юз ёшдан ошган қуйидаги табаррук отахон ва онахонлар ҳам "Шуҳрат" медали билан мукофотландилар.

Атажанова Тўлғон — Янгибозор тумани, Хоразм вилояти
Джумаева Ойтўхта — Навбаҳор тумани, Навоий вилояти
Джураев Ходжа — Термиз тумани, Сурхондарё вилояти
Джураева Кузибиби — Миробод тумани, Тошкент шаҳри
Мастонова Иноят — Сўх тумани, Фарғона вилояти
Назаров Рахмонкул — Ургут тумани, Самарқанд вилояти
Парпиев Ирал — Оҳангарон тумани, Тошкент вилояти
Рўзиева Хол — Бухоро тумани, Бухоро вилояти
Султанова Оққиз Курбонбоевна — Ғаллаорол тумани, Жиззах вилояти
Туранов Турдикул — Сайхунобод тумани, Сирдарё вилояти
Халатова Нурсулув — Косонсой тумани, Наманган вилояти
Хамракулова Олияхон — Булоқбоши тумани, Андижон вилояти
Шафаатова Аккара — Қамаши тумани, Қашқадарё вилояти
Юсупова Тути — Тўрткўл тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

Юртимизнинг бош майдони — Мустақиллик номи берилган ажойиб маскан. Чор атрофи мўъжиза, ҳар томони яшилликка, гўзалликка бурканган майдон. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами муносабати билан бу ер ҳар қачонгидан гавжум, ҳар қачонгидан файзли. Истиқлолимизнинг 17 йиллик қутлуғ тўйи муносабати билан Мустақиллик майдонидаги ҳуррият-имиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойи гулчамбарларга тўлди.

Хусусан, байрам муносабати билан мамлакатимиздаги турли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар қатори Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси номидан ҳам ёдгорлик пойига гулчамбар қўйилди.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Маҳалла тизимида кимлар ишлайди?

Хоразм вилояти

«ҲАЁТ УЧУН ДАЛИЛЛАР»

Янгиободнинг маслаҳатчиси учун фаолият кўзгусидир

...Эрта тонгда ўғли Камолиддин ва келини Ойшахонни ишга кузатаётган Ҳожарбиби дуога қўл очди:

— Ой бориб, омон қайтинглар, болаларим. Илоҳим бахтингизга кўз тегмасин, қўша қаринглар.

Отахон ака ҳам фарзандларининг ортидан меҳр билан боқар экан аста умр йўлдошига юзланди:

— Шундай кунларга етказганига шукр, онаси. Зулфияхоннинг ҳақига дуо қилавер. Яхшиям у бор экан, муаммони ҳал қилди. Йўқса, арзимаган нарса баҳона болаларимизнинг ажрашиб кетишига бир баҳя қолганди-я!..

Зулфияхон Машарипова тўрт йилдан буён Урганч шаҳридаги Янгиобод маҳалласи фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлаб келмоқда.

— Зулфияхон қуйди-пишди, қачон қараманг, маҳалладошлари ташвиши билан елиб-югуради, — дейди маҳалла фахрийси Рўзимат Эгамбердиев. — Гапимнинг исботи учун бир мисол келтирай: Жумагул Рўзимованинг турмуш ўртоғи вафот этиб, оиласи анча қийналиб қолди. Чунки унинг ўзи ҳеч қаерда ишламасди, фарзандлари эса ўқишда. Зулфияхон Жумагул ва қизига касаначилик асосида ишлаш учун шароит яратиб берди, ҳомийларни жалб этиб, бу оилага моддий ёрдам кўрсатди. Умидбек Урганч давлат университетини тамомлаб, ишга жойлашди. Сардорбек эса коллежни компьютер мутахассислиги бўйича тугатди. Зулфияхоннинг кўмаги билан у ҳам ишли бўлди. Ҳозир бу оиладагиларнинг барчаси иш билан банд, бекаму кўст ҳаёт кечиришяпти.

Зулфияхон маҳалладаги беш нафар ногирон фуқаронинг ҳолидан хабардор бўлиб, уларга моддий ва маънавий кўмак беришни асосий вазифаларидан деб билади. Шунингдек, ҳудуддаги боқувчисини йўқотган, кам таъминланган ва кўп болали оилалар ҳам унинг эътиборидан четда қолмайди.

— Турмуш ўртоғим тўсатдан юрак хуружи туфайли оламдан ўтди, — дейди Валентина Снежкова. — Аксига олиб, ўша пайтда моддий жиҳатдан ночор аҳволда эдим. Шундай пайтда Зулфияхон жонимга ора кирди, маросимларни ўтказишга ёрдам берди. Ундан миннатдорман, мана ҳозир ҳам ёлғизлигимни билдирмай қўллаб-қувватлаб турибди.

Маҳаллада Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси ҳам изчил амалга оширилябти. Бу борада Жуманиёзовлар оиласига истеъмол кредити ажратилди. Кам таъминланган Маткаримовларнинг никоҳ тўйи эса маҳалла-кўй ёрдами билан файзли ўтди.

Айни пайтда маҳаллада 2 нафар хотин-қиз касаначилик билан шуғулланиб, рўзғорига қут-барака киритяпти. Дурадгор Отабой Юсупов ўз хонадонида «Устоз-шогирд» мактабини очиб, маҳалла ёшларига ҳунар ўргатяпти. Новвой Оймонжон Матжонова ва шогирдлари тайёрлаган нонлар ҳамиша маҳалла аҳлининг дастурхонида. Қадамбой Матмуродов бошчилигидаги оилавий санъаткорлар гуруҳи эса маҳаллада ўтказилаётган тўйларда холисона хизмат кўрсатиб, олқиш олмоқда.

— Маҳалламиздаги Давронбек Машарипов оиласи шаҳар миқёсида ўтказилган «Гулсевар оила» кўрик-танловида ғолиб чиққан эди. Эндиликда «Китобхон оила» кўрик-танловини ўтказиш ҳаракатида юрибмиз, — дейди Зулфияхон Машарипова. — Чунки китоб кирган хонадонга нур-зиё, қут-барака киради. Маҳалламизда 102 ёшли Дунёз момо Азизова истиқомат қилади. Момо умр бўйи китобни дўст тутиб яшаган. Ундан «Узоқ яшашнинг сири нимада?» деб сўрасангиз, «Бу сирни китоблардан ўқиб билганман. Кўп ўқинг, ўзингизга фойдали нарсалардан бохабар бўласиз», деб жавоб берадилар. Қачон хабар олгани борсам, момо набираларидан бирига китоб ўқитиб, жон қулоқлари билан тинглаб ўтирган бўладилар.

Маҳаллада «Оби ҳаёт ЛТД», «Хонқашароб» МЧЖ корхоналари, Сафарбой Юсупов сингари саховатпеша ҳомийларнинг ҳиммати билан янги иш ўринлари яратилиб, мададга муҳтожларга ёрдам кўрсатиляпти. Шунингдек, маҳалла гузари кенгайтирилмоқда.

Муқовасига «Ҳаёт учун далиллар» деб ёзиб қўйилган дафтар доимо Зулфияхон Машарипованинг столи устида туради. Бу дафтарни маҳалла кўзгуси дейиш мумкин. Унда маҳалладаги ҳар бир оила ҳақида батафсил маълумотлар бор. Қачон, қаерда, қандай тадбир ўтказиш керак, кимларга ёрдам кўрсатиш зарур, вояга етмаганлар билан шуғулланиш, оилаларга ёрдам... Бундай дафтар ҳар бир маслаҳатчида бўлмоғи лозим. Балки жорий йилда маҳаллада биронта ҳам оилавий ажрим ёки қонунбузарлик ҳолатларининг содир этилмагани ишнинг шу тарзда тартибли олиб борилаётгани самарасидир?

Яқинда Зулфияхон Машарипованинг фаолияти нафақат вилоят, балки республика миқёсида ҳам оммалаштиришга лойиқ эканлиги яна бир бор тасдиғини топди. У «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Роза БАХТИЁРОВА,
«Маҳалла» жамғармаси Хоразм вилояти бўлими бош мутахассиси.

Олам турфа

Белоруснинг Могилев шаҳрида истиқомат қилувчи Александр Бендиков 350 қути, яъни 18 минг дона гугурт чўпидан пирамида ясади, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.

ГУГУРТ ЧЎПИДАН ЯСАЛГАН ПИРАМИДА



Юз қаватдан иборат ушбу пирамидани ясаш учун Бендиков ёзги таътил даврида ҳар куни 2-3 соат вақтини сарфлашига тўғри келди.

Бендиков бу пирамидани «Ғалаба Кубоги» деб атади ва уни Пекин Олимпиадасида иштирок этган белоруслик спортчиларга бағишлади.

Айни пайтда у ўз ижод маҳсулини «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритиш учун ариза берган. Шуниси эътиборлики, Бендиков бунга қадар доминодан, кейин эса пиво шишаларидан дунёдаги энг катта пирамидани ясаб, «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олган эди. Бундан ташқари, у танга пуллардан ҳам иккита пирамида ясаган.

Тошкент шаҳри

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

МАЖНУНТОЛнинг ЖАМОЛИ

Халқ орасида обод уйда пок одамлар яшайди, деган гап бор. Дарҳақиқат, бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларини кўриб кўз қувонади. Хусусан, Бектемир туманидаги Мажнунтол маҳалласи аҳли ҳам истиқлол шодиёналарини ана шундай обод гўшада қарши олдилар.

— Маҳалламиз истиқлол йилларида ташкил топган,— дейди йиғин раиси Маҳмуджон Юсуфжонов. — Мана, 17 йилдирки, Мажнунтол обод масканга айланди. Илгариги ўйдим-чуқур кўчалар ўрнида қайта таъмирланган, равон йўллар пайдо бўлди. Ҳудудимиздаги мактаб, болалар боғчаси биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ёшларимиз бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун спорт майдонлари бунёд этилди. Бектемир тумани ҳокимлиги, туман газ таъминоти идораси кўмагида хонадонларимизга 200 метр узунликдаги газ қувурлари тортиб келинди. Оҳангарон шоҳ кўчасини ёритиш учун чироқлар ўрнатилди. Шунга қарамай, фуқароларимизга етарли шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг оғирини енгил қилишни асосий мақсад қилиб олганмиз.

Ҳа, Мажнунтолнинг бугунги жамоли истиқлол ўзгаришларига монанд. Саришта хонадонлар, равон ва ораста кўчалар, кўркам хиёбонлар... Дарахтлар оқланиб, йўл ёқасида анвойи гуллар очилиб турибди. Айни кунларда ҳам мажнунтолликлар маҳаллани янада обод қилиш ҳаракатида.

МУХБИРИМИЗ

Қорақалпоғистон Республикаси

ОРОЛБЎЙИДАГИ ОБОД МАНЗИЛЛАР

бунёдкор инсонлар ташаббуси билан чирой очмоқда

Амударё Оролбўйи ҳудудидаги иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожланган йирик туманлардан бири ҳисобланади. Туманда айниқса, қишлоқ хўжалиги ривожланган.

Жумладан, Қорақалпоғистонда етиштирилаётган пахта ҳосилининг бешдан бир, пилланинг учдан бир қисми амударёликлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Сув тақчиллиги кузатилган жорий йил шароитида ҳам тумандаги фермерлар давлатга ғалла сотиш бўйича белгиланган шартномавий режанинг тўлиқ бажарилишига эришдилар.

Истиқлол йилларида туманимизда барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, ҳудудда йирик бунёдкорлик ва ободончилик ишлари олиб борилди. Бунда, албатта, ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жойлардаги 24 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғинларининг мутасаддилари ҳомийлар кўмагида кўплаб хайрли ишларни адо этишмоқда. Хусусан, мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари ҳам туманимиз маҳаллаларида уюшқоқлик билан ташкил қилинди. Унда фуқаролар йиғинлари ҳудуди ободонлаштирилиб, ариқ-зовурлар тозаланди. Натижада икки юз километрга яқин суғориш тармоқларида эндиликда оби ҳаёт равон оқадиган бўлди.

Шунингдек, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар тарбияси, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш каби муҳим масалалар ҳам фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг доимий эътиборида. Туманимиздаги Бойовул маҳалласи, Куюккўпир, Қиличбой, Тўлқин, Жумуртов овул фуқаролар йиғинларида бу борада амалга оширилаётган ишлар эътирофга лойиқ. Хусусан, Манғит шаҳридаги Ойбек маҳалласи аҳолиси табиий газ ва электр энергияси билан тўлиқ таъминланган. Яқинда маҳалладаги 4 та кўчага 1460 метр узунликда қувурлар ётқизилиб, 30 та қудуқ ишга туширилди. Натижада ҳудуддаги аксарият хонадонлар ичимлик сув билан таъминланди. 12 та кўчага тунги ёритгичлар ўрнатилиб, болалар спорт майдончаси барпо этилди. Айни пайтда амударёликлар ҳудудда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларини бошлаб юборганлар. Хонадонларни мавсумда электр энергияси, иссиқлик манбаи ҳамда сув билан тўлиқ ва узлуксиз таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғинлари тегишли таъминот корхоналари билан биргаликда чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Рустам РЎЗМЕТОВ,
«Маҳалла» жамғармаси Амударё тумани бўлинмаси раиси.

Шукрона

Андижон вилояти

«ИСТИҚЛОЛДАН ИФТИХОР ТУЙДИК»

Мен 50 йил давомида турли соҳаларда меҳнат қилдим. Ўқитувчи, мактаб директори бўлиб ишладим. Туман бошқарув идораларида самарали хизмат қилиб, фаолиятим сўнгида маҳалла оқсоқоли бўлдим. Ҳозир пенсияда кексалик гаштини суряпман.

Бугун юртимизда кун сайин юз бераётган ўзгаришлар, бунёдкорлик, ободончилик ишларидан қалбим ифтихорга тўлиб кетади. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилингани ва ушбу йилда ёшларимизга яратилаётган имтиёз ва имкониятларни кўриб, яшариб қолгим келади. Узоққа бормайлик, ўзимизнинг Андижонда қурилаётган спорт иншоотлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари фарзандларимиз учун муносиб туҳфа бўляпти. Қишлоқ ёшларининг шаҳардаги тенгқурларидек билим олишлари учун ҳар томонлама қулай шароитга эга бўлган замонавий таълим масканлари бунёд этилиши фикримизнинг яққол далилидир. Бу юртда ўсиб — улғаяётган ёшларнинг барчаси касб-корли ва шунга яраша меҳнат қилиб даромад топишмоқда. Бунга мисол қилиб, Жалақудуқдаги Ҳамзаобод маҳалласи ёшларини олайлик. Яқинда маҳалла ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлар ҳомийлигида «Ёшлар маркази» ташкил қилинди. Бу ерда ёшларимизнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун турли газета ва журналлар ўқиш, телевизор кўриш учун мўлжалланган хоналар, тикувчилик цехи, темирчилик устахоналари фаолият кўрсатяпти. Энг муҳими, бугун истеъдодли, иқтидорли ёшларимиз дунёга танилмоқда, ўз навбатида Ўзбекистон довруғини дунёга ёймоқда. Хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Шундай пайтда мен бир гапни баралла айта оламанки, буларнинг барчаси мустақиллик иноъми ва бунга ҳар қанча шукрона айтсак ҳам кам.

Усмонжон КАРИМОВ,
«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби,
Жалолқудуқ тумани Ҳамзаобод маҳалласи фаоли.

2008 йил — Ёшлар йили

Фарғона вилояти

Талабалар учун қулайлик

Вилоятдаги олий ва ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари тасарруфидаги талабалар ётоқхоналарида истиқомат қилувчи ёшлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишларни янада жонлантириш мақсадида вилоят миқёсида «Энг намунали талабалар турар-жойи» кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танлов давомида вилоятдаги ўнлаб ўқув юртларида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар, қулайликлар ўрганилди. Қўқон шаҳар нефьт-газ саноати коллежи, Бувайда педагогика касб-ҳунар коллежи ҳамда Фарғона саноат касб-ҳунар коллежи талабалар турар-жойларида ёшларга намунали қулайликлар яратилганлиги кўрик-танлов давомида ўз исботини топди. Мазкур билим масканларида кутубхона, маънавият-маърифат хоналари, тўгараклар иши яхши йўлга қўйилган. Бу даргоҳларда турли мавзуларда ўтказилаётган давра суҳбатлари ҳамда олиб борилаётган амалий ишлар видео ва аудиотасмаларда акс эттирилиб, оммавий ахборот воситалари орқали ёритилаётгани ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

Ушбу кўрик-танловда талабаларнинг дам олиши, спорт билан шуғулланиши ҳамда яшаши учун яратилган шарт-шароитлар даражаси ҳисобга олиниб, Фарғона политехника институти, Фарғона Давлат университети, Қўқон Давлат педагогика институти ғолиб деб топилди ва ҳомийлар томонидан муносиб тақдирланди.

А.МИРЗАБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Замонавий қулайлик

Андижон туманидаги Хартум қишлоғи истиқлол йилларида чирой очган гўзал масканлардан бири. Яқинда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Жаҳонобод маҳалласи идорасининг янги биноси қуриб битказилди.

ЖАҲОНОБОД — КУНДАН КУН ОБОД

— Маҳалламиз ҳудудини чиройли кўринишга келтиришда фаоллар ҳамда саховатли маҳалладошларимизнинг ўрни катта, — дейди йиғин раиси Илҳомжон Расулов. — Хусусан, маҳалла идораси қурилишида тадбиркорлар Акбаржон Ботиров, Улуғбек Бозоровлар ҳиммат кўрсатишди, фаоллар Арслонбек Ҳожиматов ва Умаржон Холмирзаев ташкилий ишларга бош-қош бўлишди.

Қадимий маҳаллалардан бири бўлган Жаҳонободда бугунги кунда 4000 нафар аҳоли яшайди. Улар маҳалладаги барча юмушларга бир тану бир жон бўлиб ёндашишади. Бунинг самараси ўлароқ, кейинги уч-тўрт йил ичида маҳаллада чойхона, алоқа шохобчаси, озиқ-овқат дўкони қурилди. Келгусида бозорча, новвойхона, маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини барпо этиш режалаштирилган.

Тадбиркорлар Абдуваҳоб Сирожиддинов, Маъруфжон Султонов томонидан ишга туширилган ошхонада эллик нафардан ортиқ, Тоҳир Азимов иш юритаётган шинам чойхонада эса ўн нафардан зиёд ёшлар доимий иш билан таъминланган. Дурадгор уста Одилжон ўз шогирдларига миллий безаклар берилган мебеллар тайёрлашни ўргатса, Ойтожихон Жумабоева қизларни дўппи тикиш сирларидан воқиф этмоқда.

— «Ёшлар йили» Давлат дастурида ёшларни иш билан таъминлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди йиғин раиси. — Бизнинг мақсадимиз ҳам маҳалламиздаги ҳар бир фуқарони ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш. Зеро, мамлакатимизда юз бераётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

У.САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Кўрик-танлов давом этади

Сурхондарё вилояти

Намунали маслаҳатчилар — йўлланма эгалари

Термиз шаҳрида «Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи ниҳоясига етди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган маслаҳатчилар ўзаро беллашишди.

Танлов натижаларига кўра, Термиз шаҳридаги Жўйижангал маҳалласи маслаҳатчиси Турсуной Бойхонова ғолиб деб топилиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди. Иккинчи ўрин Жарқўрғон тумани Соқчи маҳалласи маслаҳатчиси Ойимҳол Абдураҳимовага, учинчи ўрин эса Сариосиё туманидаги Сарижар маҳалласи маслаҳатчиси Малоҳат Қудратовага насиб этди.

Шунингдек, Андижон вилоятида ҳам мазкур кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунланди.

Хонобод шаҳридаги Анҳор маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Кароматхон Мўминжонова танловнинг вилоят босқичи ғолиби деб топилиб, республика босқичига йўлланма олди. Андижон шаҳридаги Янгитурмуш маҳалласининг маслаҳатчиси Одинахон Раҳимова 2-ўринни, Андижон тумани Ровот маҳалласи маслаҳатчиси Раҳимахон Умрзоқова эса 3-ўринни эгаллашди.

МУХБИРИМИЗ

СУРАТДА: *Жаҳонобод маҳалласи фуқаролар йиғини биноси кўриниши.*

Эҳтиёткорлик — шарт!

Таҳлилларга қараганда, ёнғинларнинг аксарияти лоқайдлик ва бепарволик оқибатида содир бўлар экан. Маст ҳолда ётиб тамаки чекиш, носоз электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларни уйда ёлғиз ёки қаровсиз қолдириш, чиқинди ва хазонларни ёқиш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик шулар жумласидандир.

ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ — ФАЛОКАТ

Айрим фуқароларнинг уйлар олдидаги ўтиш йўлларига ўзбошимчалик билан омбор, гараж ёки бошқа қўшимча биноларни қуриб олишлари ёхуд ўзларига тегишли бўлган автоуловларни қўйишлари ёнғин ўчириш техникаларининг фалокат содир бўлган жойга ўз вақтида етиб боролмаслигига сабаб бўлади. Албатта, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш борасида маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторлари ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Бироқ, энг муҳими, ҳар бир фуқаро ўзи ва яқинларининг соғлиги, хонадони, қўни-қўшниларнинг тинчлиги учун ўзини масъул сезиши, бошқаларни ҳам шунга даъват этиши лозим.

А.НАБИЕВ,
Яккасарой тумани ЁХБ инспектори.

Қадриятда қадримиз бор

ГУЛ БАЙРАМИ — ДИЛ БАЙРАМИДИР!

Атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бундан 45 йил олдин «гул байрами наманганликларнинг дидини, нозик табиатини яна бир марта кўрсатиб берди», деб ёзган эди. Мустақиллик йилларида ҳам адиб таърифлаганидек, шаҳар аҳли «эрта-ю кеч шохини тараб, баргини санаб» гулларини эъзозламоқдалар. Истиқлолнинг 17 йиллиги ва Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилган 48-анъанавий гуллар байрами бунинг ёрқин намойишига айланди.

Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи эрта тонгдан минг-минглаб маҳаллий ва олис мамлакатларнинг гуллари билан безанди. Бу байрам Наманган шаҳрида биринчи марта 1961 йилда шу боғнинг ўзида ўтказилган. Ўшанда 16 та корхона, ташкилот иштирок этганди.

Бу йилги танловда эса 200 дан зиёд маҳалла, корхона, ташкилотлар ўзлари етиштирган анвойи гулларининг ҳусни, тароватини намойиш этишди. Боғнинг рамзий дарвозасидан кираверишда моҳир гулчилар Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобининг гулдаги ифодасини яратиб, қатнашчиларни ҳайратга солдилар.

Илгарилари оммавий байрамда кўпроқ корхона, ташкилотлар қатнашган бўлса, кейинги пайтларда ҳаваскор гулчиларнинг сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Боғ оралаб юрарканмиз, А.Фазлий номидаги маҳаллада яшовчи Сирожиддин Қодировнинг турфа гуллари диққатимизни тортди.

— Новвой бўлсам-да, гулларни жуда яхши кўраман. 6 сотихли ҳовлимнинг 4 сотихида гулхона барпо қилганман. 1000 хилдан зиёд гулларим бор. Уларнинг 10 тури энг ноёб саналади. Баландлиги 30 метр келадиган «Кактус»им атрофида ҳамма парвона, унга қизиқиб қолди, — дейди Сирожиддин.

— Менга гул ўстиришга бўлган ҳавас тоғам Жўрахон Мўминовдан юққан. Уларни минглаб идишларда парваришламоқдаман, — дейди Мажнунтол маҳалласида истиқомат қилувчи Илҳомжон Тоҳиров. — Гули йўқ деган хонадонда камида 10 хилдан ортиқ гул навлари ўстирилади. Шунинг учун ҳам маҳалламизни «Гулчилар маҳалласи» деб аташади. Тошкент, Фарғона, Андижон, Қўқон шаҳарларининг гулчилари билан учрашиб, бир-биримизда йўқ навларни айирбошлаб турамиз.

«Маҳалла» жамғармаси Наманган шаҳар бўлинмаси масъул котиби Фарҳоджон Аҳмедовнинг таъкидлашича, байрамда мавжуд 80 та маҳалладан гулчилар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди.

Танлов шартларига кўра, А.Фазлий номидаги маҳалла гулчиси Сирожиддин Қодиров олий ўринга сазовор бўлди. Мажнунтоллик гулчи Илҳомжон Тоҳиров ва Наманган тиббиёт коллежи жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Наманган муҳандислик педагогика институти, «Наманганмаш» ҳиссадорлик жамияти, «Пахталиқўл» сиҳатгоҳи жамоалари, ҳаваскор гулчи Абдулбосит Паттоевларга иккинчи ўрин насиб этди. Шу куни гуллар байрамига қандолатчилар кўриктанлови ҳам уланиб кетди. Унда нафақат наманганликлар, балки Самарқанд, Андижон, Бухоро шаҳарларидан келган пазандалар ҳам ўзаро беллашдилар.

Элга машҳур санъаткор ва қизиқчиларнинг чиқишлари байрамга янада файз киритди. Ғолиб ва совриндорларга вилоят ва шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси Наманган шаҳри бўлинмасининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси И.Нажмиддинов иштирок этди.

Мирзадавлат ЮНУСОВ,
«Mahalla» мухбири.

Бухоро вилояти

«ҚОВУН САЙЛИ»

Бухоро шаҳрида анъанавий «Қовун сайли» бўлиб ўтди. Шаҳардаги Сомоний номидаги маданият ва истироҳат боғи уч кун давомида ҳақиқий байрам тусини олди.



Сайил қатнашчилари 150 тоннадан ортиқ турли хил полиз маҳсулотларини арзон нархларда харид қилишди. Анъанага мувофиқ, бу йил ҳам деҳқонлар ўзлари яратган янги экин навлари хусусиятлари, экинларни парваришлаш усуллари ва кўзланган ҳосилни олиш мақсадида жорий этилган агротехник тадбирлар хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

Жондор туманидаги Дўстмурод Боймуродовнинг «Элмурод-Дўстмурод-Шаҳриёр», Пешку туманидаги Рамазон Пиримовнинг «Рамзиддин Рамазон асли», Қорақўл туманидаги Донишғулом Куччиевнинг «Нурхон боғбон» фермер хўжаликларида етиштирилган қовун-тарвуз маҳсулотлари, айниқса, сайил иштирокчиларига манзур бўлди.

Тадбирда энг илғор деҳқонлар вилоят ҳокимлиги ва Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

Болалар спорти

Наманган вилояти

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

Ўзбек курашини ривожлантириш, ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан етук қилиб тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан республика миқёсида ташкил этилган белбоғли кураш ҳамда миллий кураш бўйича анъанавий «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнирининг вилоят босқичи якунланди.

Тўрақўрғон туманидаги «Ширинбулоқ» кураш саройида бўлиб ўтган белбоғли кураш бўйича мусобақада 7 вазн тоифасида ўғил болалар, 3 вазн тоифасида қиз болалар ўзаро куч синашдилар. Беллашувда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган 100 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Қизғин кечган баҳсларда Тўрақўрғон тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Наманган шаҳридаги Зарбдор маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 32-ўсмирлар спорт мактабида эса 10 та тумандан келган жамоалар учун миллий кураш бўйича мусобақалар ташкил этилди. Бу беллашувларда Наманган шаҳри ёшлари ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиб жамоаларга «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан совғалар ва дипломлар топширилди.

Турнирнинг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоа республика беллашувларида иштирок этади.

Мирзадавлат ЮНУСОВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент шаҳри

СОВРИН — КУЧЛИЛАРДА

Маҳалла болалари ва ўсмирлари ўртасида, турли ёш тоифасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» турнирининг Тошкент шаҳри босқичи мусобақалари якунланди.

Турнирнинг дастлабки босқичида 35600 нафар болалар ва ўсмирлар иштирок этиб, Шайхонтоҳур тумани Белтепа маҳалласи жамоаси 11-12 ёшлилар ўртасида, Сергели тумани Ёшлик маҳалласининг икки жамоаси 13-14 ва 15-16 ёшлилар ўртасида шаҳар босқичи ғолиблигини қўлга киритишди. Шунингдек, 15-16 ёшлилар ўртасида ўтказилган минтақавий босқич ўйинларида сергелилик ўсмирлар жамоаси ғолиб, деб топилди ҳамда финалга йўлланмани қўлга киритди. Яқинда Учтепа туманидаги Журжоний номидаги маҳалла марказида жойлашган спорт мажмуасида «Футболимиз келажаги» турнири Тошкент шаҳри босқичи ғолиб жамоаларига турнир ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Жаннат АСҚАРОВА

Умр деганлари...

ЕТКАЗГАНИГА ШУКР...

... Уруш вақти, қаҳатчилик. Қишлоқ аҳли оч-ночор. Тирикчилик ўлимдан қаттиқ. Ҳамма буғдой пишиғини кутади. Аслида қишлоқда буғдой экилмайди. Ҳамма ёққа пахта экилган...

...Қишлоқдан юқорида қирлик бошланади. Қирга буғдой сепилади. Қишлоқ ва қир ўртасида катта ариқ бор — қишин-ёзин ҳайқириб, важоҳат билан оқувчи ариқ. Қир томонга ўтиш учун кўприк йўқ, ариқни кечиб ўтиб бўлмайди. Одамлар ариқ устига катта ходи ташлайдилар, нариги томонга ўтиб, машоққа чиқадилар. Бу дегани — буғдой ўриб олингач, ерга тўкилган буғдой бошоқларини териб, донини ажратишади. Донни ўғирда янчиб, ун қилишади. Ундан эса атала тайёрланади. Начора, очарчилик. Қариялар «Ё тавба, нон — авлиё, ош — пайғамбар замонлар келди-я. Илоё, лаънати уруш тезроқ тугасин-да!» дея дуо қиладилар...

Ўшанда қирдаги буғдойзор ҳосили ўриб бўлингач, тонг отмасиданоқ одамлар машоққа чиқишди. Қариялар, ёш-яланглар...

Ҳайқириб оқаётган ариққа иккита узун ходани ташладилар. Кимдир халтачага, кимдир товоққа тўкилган бошоқларни терарди. Қуёш энди кўтарилганида узоқдан қоровулнинг қораси кўринди. У отини чоптириб келдию, қамчисини ўйнатиб, дуч келган машоқ терувчини савалай кетди. Ҳамма ҳар томонга қочди. Ола-тасир бошланиб, одамлар икки ходали кўприкдан ўтиб, қишлоққа қараб чопди.

Буғдойзорда фақат 8-9 ёшлар чамаси икки қизалоқ қолди. Бири жуда нимжон, иккинчиси анча дадил — кўрқувдан титраётган дугонасини ўзича қоровулнинг қамчисидан пана қилмоққа уринади. Улар машоққа биринчи бор чиқишганди, ҳамма қатори қочишга улгурмай қолишди.

Қоровул қизчаларнинг тепасига от солиб келди. Қамчисини бир, икки силкитди. Дадилроқ қизча йиғлаб, илтижо қилди:

— Атиги бир товоқ тердик. Кечиринг, амакижон. Ўртоғимнинг онаси касал. Атала қилиб берамиз...

Қоровулнинг кўзида ғазаб, қўлида қамчи ўйнади.

— Мана, сенларга атала!.. — у қизчаларни аямай савалай кетди. Дадилроқ қизалоқ кўприк томон қочди. Қоровул отда уни қувди, нақ ариқнинг бўйига етганида етиб олди. Юз-кўзи аралаш тушган қамчи зарбидан қизча сувга йиқилди.

Қоровул жазавага тушди, бақира-бақира киссасидан гугурт чиқарди-да буғдойи териб олинган, бошоқлар тўкилиб ётган далага ўт қўйди...

Қишлоқ томон қочиб кетаётган ёш-яланглар шу томон югуришди. Кимдир ўзини ариққа отди. Лекин ёрдам кечикди, шиддатли сув оқими қизчани ўз домига олганди.

Қоровул овози борича бўралатиб сўкинарди.

— Сенларни деб дириктирдан балога қолайми? Мен сенларга онангни кўрсатаман. Шу машоқ керакми, сенларга? Қани, эндиям териб кўрларинг-чи!

Қоровул жазавага тушди, бақира-бақира киссасидан гугурт чиқарди-да буғдойи териб олинган, бошоқлар тўкилиб ётган далага ўт қўйди...

Буғдойзор бир зумда аланга ичида қолди, олов буғдойзор ўртасида карахт бўлиб қотиб турган нимжонгина қизалоқ томон ўрлади...

... Ариққа йиқилган дадилгина қизчанинг жасадини қуйидаги тўғондан топишди. Қамчи зарбидан боши лат еган экан. Қизалоқни дафн этдилар. Каттаю кичик йиғлади, онаси уч кунгача ҳушидан айрилиб ётди.

Бир ҳафта ўтиб, қизча ариққа йиқилган жойда қоровулнинг оти мункиб кетди. Ҳайқирган сув қоровулни ҳам оқизиб кетди.

— Ҳой, одамлар, ёрдам беринглар, ёрдам беринглар! — чўкаётган қоровул жон ҳолатда бақирдию, унинг овозини эшитгувчи топилмади.

Сувга чўккан қоровулнинг жасадини изламадилар.

Уруш тугади. Ҳеч ким машоққа чиқмай қўйди. Ҳаммаси унутилди.

Фақат бир одам — юзи оловда қуйиб, эти тиришиб қолган кампирнинг бу воқеаларни унутмади, унутолмади. Набиралари «Бувижон, юзингизга нима қилган?» деб сўрагудек бўлса, кампир қисқагина қилиб «Болалигимда машоққа чиққанман. Буғдойзорга ўт кетиб, ўшанда куйганман. Ёмон куйганман, болам...» дейди. «Машоқ нима дегани, буви?...» Кампир жавоб қайтармайди, узоқ ўйга чўмиб ўтиради. Шовқин-сурон солиб ўйнаётган набиралар кампирга малол келмайди, қойимайди ҳам. Кампир шу кўйи ўтира-ўтира «Яратган эгам, кўрсатган кунингга шукр! Элга тинчлик, хотиржамлик берганингга шукр!» дея аста ўрнидан туради. Бўйи етиб қолган катта набирасининг етовида болаликдаги қадрдони — дадилгина қизалоқ чўкиб кетган, ҳамон ҳайқириб оқаётган ўша катта ариқ бўйларида кезиб келади...

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ

Ажабо!..

ПАРИЖДАГИ ҒАВЖУМ ТЎШАЛАР

Яқинда Парижга 2007 йилда ташриф буюрган сайёҳлар сони ҳисоб-китоб қилиниб, унга кўра, Муқаддас она ибодатхонаси шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойи деб топилди.

Маълум бўлишича, ўтган йилда ушбу ибодатхонага 13,6 миллион нафар сайёҳ келган. Иккинчи ўринда эса Монмартрдаги Сакре-Кер черкови қайд этилди. Бу ерга 10,5 миллион нафар меҳмон ташриф буюрган. Кейинги ўринларни Лувр музейи (8,2 миллион), Эйфель минораси (6,8 миллион) ва «Помпиду Маркази» замонавий санъат музейи (5,5 миллион) эгаллади.

Le Figaro нашрида ёзилишича, Бранли соҳили бўйида жойлашган Осиё, Африка ва Океания давлатлари санъати музейи илк бор Париждаги энг машҳур масканлар ўнлиги рўйхатидан жой олди. Мазкур музейга ўтган йили 1,4 миллион нафар сайёҳ ташриф буюрган экан.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан Артыков Махмуджон Тургунович номига берилган 2008 йил 6 майдаги ТА 0558347-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисоблансин.

Миробод тумани ҳокимининг 05.06.2003 йилдаги 995-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган «AZIZXON-SERVIS» хусусий фирмаси ўзининг ҳуқуқий мақоми Масъулияти Чекланган Жамиятга ўзгартирилганлигини маълум қилади. Даъволар 776-11-20 телефони орқали қабул қилинади.

СП ООО «BALT TASH LISING» сообщает об уменьшении размера Уставного капитала с 744971,10 долларов США до 428571,42 долларов США.

Миробод тумани ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш Инспекциясининг 2007 йил 28 ноябрдаги реестрнинг 002897-03-сонли тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган «QU MIR BIZNES UNIVERSAL» МЧЖнинг Устав фонди 13800000 сўмдан 7404000 сўмга камайишини маълум қилади. Даъволар 254-68-69 телефони орқали қабул қилинади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Яқин кунларда бажарадиган ишларингиз натижаси ўзингизни нечоғлик босиқ ва вазмин тута олишингизга боғлиқ бўлади. Қизиққонлигингиз барча ишларнинг белига тепиши мумкин, буни унутманг!

СИГИР(22.04-20.05)
Ҳамкасбларингиз билан бирор масала юзасидан баҳс-мунозара юритадиган бўлсангиз, аввало ўз фикрингизни чуқур ўйлаб, сўнг айтинг ва уни ҳимоя қилинг. Ютуқларингиз кўлами шунга боғлиқ бўлади.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)
Қатъий қарорга келиш лозим бўлган пайтда тусмоллаб ўтирсангиз, катта имкониятларни бой беришингиз мумкин. Қолаверса, қатъийлик атрофдагилар кўз ўнгида обрўйингизни оширади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Иш, иш деб, бунча куйиб-пишмасангиз? Ҳар қанча уринманг, битмаётган ишларни бирваракайига битиролмайсиз. Руҳингиз ва жисмингизга дам бериш учун қулай фурсат етди.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Меҳмондорчиликлар, дўстлар даврасида вақтни хуш ўтказиш яхши, албатта. Бироқ айни шу пайтда оила аъзоларингиз, фарзандларингиз сизнинг эътиборингизга муштоқ бўлса-чи?..

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Кўнглингизда яқин кунларни ҳеч бир иш қилмай, бекорчилик билан ўтказиш ниятингиз йўқ эмас. Лекин бундай қилсангиз, моддий жиҳатдан анча зарар кўришингиз аниқ.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Иш жойингизда ва оилада сизга ҳар доимгидан ортиқроқ хайрихоҳ бўлишади. Бундай муносабатдан унумли фойдаланиб қолиш сизнинг ишбилармонлик қобилиятингизга боғлиқ.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Муҳим масалалар юзасидан тўғри қарорга кела олсангиз, яқин кунларда ортиқча ташвишлардан халос бўлдим, деяверинг. Бордию, бирон масалада янглишсангиз борми...

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Яқин кунлар сиз учун анчагина беҳаловат ўтиши мумкин. Бунга сабаб, оилавий ва иш фаолиятингизда бир вақтнинг ўзида бир қанча муаммоли вазиятларнинг юзага келишидир.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ҳар қанча муҳим бўлмасин, барча юмушларингизни бир четга йиғиштириб, саломатлигингизга эътибор қаратинг. Келгусидаги фаолиятингиз, умуман, ҳаётингиз учун бу жуда муҳим!

КОВҒА (20.01-18.02)
Баъзи бир тушунмовчиликлар яқинларингиз билан илиқ муносабатингизга раҳна солиши мумкин. Бу вазиятдан қутулишнинг энг яхши усули — уйга меҳмон чақириш.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Яқин кунларни одатдагидек ташвишлар билан, бир маромда ўтказасиз. Узоқ кўришмаган дўстларингиз билан дийдорлашув эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Кўпроқ дам олишга ҳаракат қилинг.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, ҳабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Бектош Исмоилов
Мусаҳҳиҳ: Муҳайё Боймуродова
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 3 сентябрь
36 (638)

12209 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-820 Топширилди — 21.50
1 2 3 4 6